

**Туркистон тоғ ва тоғ олди ҳудудларининг экотуристтик маршрутлари  
ЖДПУ 4-курс талабаси**

**Абдувоитов Лочинбек Ғайрат ўғли**

**Анотация** – Туркистон тоғ ва тоғ олди ҳудудларининг туристик объектлари ўрганилган ҳолда бир неча экотуристтик маршрут йўналишлари ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар**– Туркистон тоғ ва тоғ олди ҳудудлари, туристик объектлар, хорижий сайёҳлар, рекреацион ресурслар, экотуристтик маршрут.

**Сўнги вақтларда экотуризм иқтисодиёт соҳалари орасида энг тез ривожланиб бораётган тармоқ сифатида эътироф этилмоқда. Халқаро сайёҳларнинг катта оқими гўзал ва такрорланмас табиат қўйнида дам олишга бўлган қизиқишлари юқори бўлмоқда. Шу сабабли ҳам сўнги вақтларда, экотуризмни ривожлантиришга мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг энг сўлим ва гўзал табиатига эга бўлган Туркистон тоғ ва тоғ олди ҳудудида экотуризмни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда истиқболли экотуристтик маршрутлар уюштиришнинг илмий асослари географик жиҳатдан тадқиқ этиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.**


Туркистон тоғларида экотуризмни ташкил этиш ва ривожлантиришда бир қанча йўналиш (маршрут) танлаб олиш зарур деб ҳисоблаймиз. Ушбу йўналишларнинг иккитаси Зомин тумани ҳудудида жойлашган бўлиб, Жиззах шаҳридан бориладиган маршрутлар ишлаб чиқилди.

1-маршрут Жиззах – Пишағор йўналишида ташкил этилиб, қуйидаги объектлар орқали экотуристтик саёҳат амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

- Равот (Жиззах шаҳридан 20 км);
- Пишағор қишлоғи (31 км);
- Хатап (35 км);
- Бешбулоқ (39 км);
- Хўжаи Сароб ота зиёратгоҳи (45 км);
- Пишағор ғори (49 км).

Бу маршрут йўналишларида Пишағор ғори ва унинг атрофида сайёҳлар учун махсус яшаш жойлари ҳамда ғор билан танишиш, уни ўрганиш мақсадида шароит яратилиши зарур.

2-маршрут Жиззах-Зомин миллий табиат боғи. Ушбу маршрут йўналишда Жиззах шаҳридан бошланиб, Зомин туман ўлкашунослик музейи, Боғишамол,



Хулкар, Дуоба, Еттикечув, Тоғтерак каби қишлоқлар ҳамда Зомин миллий табиат боғини ўз ичига олади. Бу маршрут йўналиши 96 км масофани ташкил қилади.

Жиззах – Зомин миллий табиат боғи маршрутидаги объектларда ҳудуднинг гўзал табиати, маҳаллий шароит ва урф-одатлар билан танишиш мақсадида ўтов ҳамда меҳмонхоналар барпо этилиши бир сўз билан айтганда туристик инфратузилмани яратиш туман туризм салоҳиятини янада оширади.

Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида Миқ қалъаси, Пишағор ғори, Бобоёнғоқ каби экотуристлик объектлар, Тўрткўлтөпа, Култөпа ва Шаҳристон кўрғонлари каби тарихий археологик ёдгорликларнинг мавжудлиги, ҳудуд туристик имкониятларнинг нақадар юқори эканлигидан далолат беради. Шунингдек, фольклор-этнографик туризм, соғломлаштириш туризми, экология туризми, маданий туризмларини ривожлантириш мумкин.

Ҳудудда туристик йўналишларни ишлаб чиқиш мақсадида мавжуд тарихий объектларни инвентаризациядан ўтказиш, тарихий обида объектларида ҳамда экотуризм йўналишлари бўйлаб хизмат кўрсатиш объектлари, сервис хизмати ташкил этиш салоҳиятини тўлиқ ўрганиб чиқиш зарур. Айниқса, экотуризм бўйича бизнес лойиҳалар ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Экотуристлик маршрут йўналишларида жойлашган табиий ёдгорликларга олиб боровчи йўлларда ўзбек, рус, инглиз тилларида йўл белгилари ўрнатиш лозим. Маршрут йўналишлар бўйлаб йўллар, тарихий обидаларни сақлаш, зарур ҳолларда таъмирлаш, тозалигини сақлаш бўйича хизмат кўрсатувчи субъектлар ташкил қилиш ҳудудда экотуристлик маршрутларни ташкил этиш катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек, экотуристлик йўналишлар бўйлаб йўлларда меҳмонхоналар қурилиши, мавжудларини таъмирлаш, уларда жаҳон стандартларига мос равишда зарур сервис хизматлари кўрсатилишини ташкил қилиш, инфратузилмасини ривожлантириш чоралари кўриш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Туркистон тоғларининг шимолий ёнбағрида экотуризмни ташкил қилишда ҳудудга кучли ўзгаришлар киритилмаслиги, яъни меҳмонхона, ресторан ва шу каби маиший хизмат кўрсатиш учун алоҳида бинолар қурилмайди, балки шу ҳудуддаги аҳолининг турмуш тарзига хос равишда туристлар кутиб олинади, шу турмуш тарзига хос экотуристларнинг яшаши таъминланади. Бу лойиҳа асосида аҳоли ва табиат ҳамкорлиги намоён бўлади ҳамда мана шу ҳамоҳангликни кўриш учун туристлар жалб қилинади.

**Фойдаланган адабиётлар:**

- [1]. Alibekov L, Alibekova S, Hazarov I, Gudalov M. About some regularities of geosystems degradation in Central Asia. Tatranka Javorina, Slovakia, 2012, Vol 21, № -1, 42-44 p
- [2]. Gudalov M. Foundation of Aydar-Arnasay lakes system and their effects on the environmental landscape. Nature and Science. Volume 17, Number 11 November 25, 2019 USA New York.
- [3]. Gudalov M., Zikirov B. Methods of studying the landscapes around the Aydar-Arnasay lake system. International engineering journal for research & development. Vol – 5, Issue – 7, 2020 India.
- [4]. Gudalov M., Zikirov B., Imamova D. Predicting changes in landscapes around the Aydar-Arnasay lake system. Accepted in the journal The American of Engineering and Technology. Volume – 02, Issue – 10, October 2020.
- [5]. Gudalov M., Gozieva M. Ways to develop modern ecotourism in the Zamin basin. International engineering journal for research & development. Vol – 5, Issue – 7, 2020 India.
- [6]. Sharipov Sh, Gudalov M, Shomurodova Sh. Geologic situation in the Aydar-Arnasay colony and its atropny. Journal of Critical Reviews. Volume 7, Issue 3, 2020 Maleziya Kuala-Lumpur.